



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

Одамлар одоб түтиёсисин ташки ва ички дунё ахлоқ күзинги равшанлыгыни оширувчи сабаб деб билганилар ва бу киммиттеги оқ, йўлнинг отларига бўлмай туриб иззат ва хурмат мартабасининг идроқ къасасига етмагандар.

Саодат мулкининг йўлида доим бехатар юргай,

Одабининг хассаси бўлса кишининг кўлида ҳар дам!

Бархурдор ибн МАХМУД

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,

Хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

Юсуф Хос ҲОЖИС

Бир куни Букротдан:

— Одабилан одобизнинг ўртасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапирамайдиган ҳайвон ўртасидаги фарқ каби, — деб жавор берди Букрот.

«ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО»

Агар одам эсанг, саир эт бу гулшанда

адаб бирла,

Қадам ҳар сори кўй мулсифатким гову ҳар густоҳ.

ОГАХИЙ

Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим да.

«СТАЛАР СЎЗИ»

Омонатга хиёнат қилувчидаги иймон йўк, ахдид турмайдиганларда дийнат йўк.

ҲАДИС

АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ, ИНСОФ, ХАТО, ГУМОН, ШОШҚАЛОКЛИК, ЎЛЛАБ ИШ ҚУЛИШ ҲАҚИДА

Ақл или олам юзини кил,

Хулқ или олам элинин шод кил.

НАВОЙИ

ҲИҚМАТ. Сукрот ҳаким деди:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор!

Байт:

Зулм асосига курилган бино,

Фазаб оташидан вайрон бўлажак!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Адолатдин ўлди эл осоиши,

Эл осоиши — мулк ороиши.

МУНИС

Айтишларича, ўтмишда бир одам бир доноға: «Одамларнинг келди-кетдиси жонимга тегди, адолат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдими!» деди. Доно эса унга шундай деб жавоб берди: «Иззат тўшагини тарк этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб айтаманки, шундан сўнг сенга ёч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийилади!» Байт:

Ихтиёри бўлган киши олдига,

Беихтиёри оқиб келади одам.

Ихтиёри кеттагач унинг кўлидан,

Келмас ёч ким унинг олдига бир дам!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Шоҳ ўз адли ила турдиса дойим.

Жиғой бой бирма нард ўйнади дойим.

КУТБ

Агар ҳақ оёқка турса ноҳакни йиқади.

Ҳакикат нури сўнмайди.

Ҳакикат отига мингандар барчани йиқади.

Зиён берадиган ҳақ суюнтирадиган ноҳакликдан

афзал

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Шоҳ улдурки, раиятга тараҳум килса,

Йўк эса қоидай амун барча алас.

НОДИРА

Карам айла етгач, каю мустаманд,

Иккиганлар ахволига лутф қил,

Сени бўйла ҳақ алламиш аржандан,

Яна хайли мазлум дастири бўл.

МИРИЙ

Азизим, кийинчиликка чида марад қишиларнинг иши. Шернинг хунари кураш. Мард қишиларнинг кўли кийинчиликка тегмаса, заиф қишилар фарогат бўстонидан гул теролмайдилар:

Диёргинга ёч ким топмас фарогат,

Факат ўзинг учун изласанг роҳат!

АЗИЗИМ, жағе курган киши сенга арз қилиб, ёрдам сўраб келса, сен асли дилтган бўлма! Чунки марта табиб табиб хукмидир. Бемор ўзининг барча сиридан вокиф бўлумайди.

Натижада шифо шарбатини жаро чекувига ичиролмайди.

Хожа САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

Озор ила неча гуфтагу қилғайсиз.

Озурда бўлурни жустуку қилғайсиз.

БОБУР

Агар одам эсанг оғримта одам кўнглини зинкор,

Ки ахли маърифат назидида Каъба қалби мўйнур.

ТОЛИБИЙ

Қаю казинага зулмнинг бир ақаси кирса, ул хазинани йик-

май қўймас.

ПОШШОҲЎЖА

Оллоҳ фам ташвиши одамларга ёрдам берадиганларни дўст тугди.

ҲАДИС

Қайс ибн Сойднинг ўз ўлгига қилган насиҳатлари айтидай:

— Эй ўтли! Шундай масал бор: «Сен бирорга зулм этсанг, сенга ём зулм килувчилар бор». Шу маколга амал қил, ёч кимга зулм килма. Молу-давлатдан хазина тайёрламай, имдан хазина қил. Дўст-бирордларнинг ўзингандан узоқлаштиришади, ҳар бир ишни маслаҳат билан ади!

«КОВИДОНИ ХИРАД»

Зулм бўйғон ўлкада қолмайди файз,

Тонгчага кун нуридан олмайди файз.

Анбар ОТИН

Кимки ойини зулм пеша қилур,

Ўзи ўз бўйнинг каманд солур.

ОРАЗИЙ

Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма,

Ўзгалар конини тўкума, ҳусумат ва гароз қилма.

Юсуф ХОС ҲОЖИС

Бир ҳакимдан: «Қандай одам жазога лойик?» деб сўрадилар. У эса: «Хеч қандай инсон жазога лойик эмас. Жазога лойик нарслар ваҳид ҳайвонлар, одамларга зине ётказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига караб жазоланди. Бу тарика кишиларни ётто одам, дейин ҳам ноўриндир!»

Махмуд ҲАСАНИЙ,

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

тайёрашган.

Бош мұхаррир

Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

Буортма Г-308

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГ